

ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДҚОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛҒОР МЕХНАТ УСУЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИНИ ЎРНИ

Ахмедова Гулчехра Манноновна¹, Ўзганбоева Гулшода²

¹А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси катта ўқитувчиси, ²Технологик таълим йўналиши талабаси

Аннотация: мақолада ўқувчилар ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш борасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, тикувчилик технологияси йўналишида юқори самарадорликни таъминлашнинг энг муҳим йўналишлари ва меҳнат усуллариинг ўрни ўрганилган.

Калим сўзлар: ижодкорлик кўникмалари, тикувчилик технологияси, меҳнат жараёни, таълим методлари, касбий маҳорат, инструктораж.

Аннотация - в статье исследуются и распространяются передовой опыт в формировании творческих навыков учащихся, наиболее важные области высокой эффективности в области швейных технологий и роль методов работы..

Ключевые слова: творческие способности, технология шитья, трудовой процесс, методика обучения, профессиональные навыки, обучение.

Annotation - the article explores and disseminates best practices in shaping students' creative skills, the most important areas of high efficiency in the field of sewing technology, and the role of work methods.

Key words: creative skills, sewing technology, labor process, teaching methods, professional skills, instruction.

Илғор усуллар ва методларини ўрганиш ва жорий қилиш, ўқувчилар ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш борасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш бўлажак мутахассисларнинг тикувчилик технологияси йўналишида юқори самарадорликни таъминлашнинг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Ўқитувчи меҳнатининг самарадорлигини ошириш ва таълим воситаларидан унумли фойдаланишнинг энг таъсирчан воситаларидан бири энг мақбул таълим усуллари ва методларини танлаб олиш ҳамда жорий қилишдир.

Таълим методлари ва усуллариини ўрганиш, рационаллаштириш ва жорий қилиш учун аввало меҳнат жараёнларини меҳнат методи, меҳнат усуллари, тор ва кенг меҳнат ҳаракатларига тўғри ажрата билиш зарурдир.

Меҳнат методи – меҳнат жараёнини бажариш усули бўлиб, у меҳнат усуллари йиғиндиси ва уларнинг маълум изчилликда бажарилишини характерлайди.

Меҳнат усули ишчининг технологик жиҳатдан бўлинмайдиган операциянинг маълум қисмини ижро этиш учун тугалланган кенг ҳаракатлари йиғиндисидир. Меҳнат усули ўз навбатида кенг меҳнат ҳаракатларига бўлинади.

Ўқувчи амалий машғулот жараёнида меҳнат усулининг маълум қисмини бажариши учун танаффуссиз битта ёки бир нечта узлуксиз бажарадиган тор ҳаракатлари йиғиндисига кенг меҳнат ҳаракати деб аталади. Масалан, қўлни конвейер ячейкасидаги меҳнат предметига узатиш ва бармоқлар билан меҳнат предметини ушлаб конвейер ячейкасидан олиш бунга мисол бўла олади. Кенг ҳаракат ўз навбатида тор ҳаракатларни ўз ичига олади.

Ўқувчи кенг меҳнат ҳаракатини бажараётганда қўл, оёқ, бармоқлари ёки танасини бир бор жилдириши тор ҳаракат деб юритилади. Масалан, қўлни меҳнат предметига узатиш, меҳнат предметини қўлга олиш каби ҳаракатлар тор ҳаракат ҳисобланади.

Илғор меҳнат ва таълим усуллари ҳамда методларини ўрганиш ва жорий қилишда новаторлар ва илғорларнинг иш тажрибасини асос қилиб олиш муҳим роль ўйнайди,

Меҳнатнинг илғор методи маълум ишлаб чиқариш шароитида иш вақти ва жиҳозлардан самарали фойдаланган ҳолда меҳнатнинг оптимал интенсивлигини ҳамда юқори сифат ва меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган операцияни бажариш усулларини оптимал йиғиндисини ва уларни маълум изчилликда бажаришни ўз ичига олган меҳнат жараёнини амалга ошириш усулидир.

Илғор меҳнат усуллари ва методларини ўрганиш, лойиҳалаштириш ва жорий қилиш уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич «меҳнат жараёнини текшириш ишига тайёргарлик кўриш»ни, ўз ичига олади. Бунда аввало текшириш объекти танлаб олинади.

Объект сифатида технологик операция, иш тури, меҳнатнинг илғор усуллари ва методларини қўллаётган ишчи танлаб олинади. Сўнгра меҳнат усуллари ва методларини операциянинг мураккаблигига, такрорланишига қараб текшириш усуллари танлаб олинади ва текшириладиган меҳнат усули ва методини қўллаш доираси аниқланади ҳамда уни қўллашдаги шартли иқтисодий самарадорлик ҳисобланади. Биринчи босқич ташкилий тайёргарлик ишлари, яъни меҳнат процессининг текшириладиган звеноларини аниқлаш ва ижрочиларини танлаш, текшириш тартиби ва муддатларини белгилаш тугалланади.

Иккинчи босқичда амалдаги меҳнат методи ва усуллари таҳлил қилиш ва унинг оқилона метод ва усуллари лойиҳалаштириш ишлари амалга оширилади.

Учинчи босқичда меҳнатнинг оқилона метод ва усуллари жорий қилиш ишлари бажарилади. У ўз ичига жорий қилишга тайёргарлик кўриш ва бевосита жорий қилишни олади.

Ниҳоят меҳнатнинг илғор усуллари ва методларини кенг ёйиш ишлари бажарилади. У ишлаб чиқаришда ишчиларга касб ўргатиш, ишлаб чиқариш инструктажи ўтказиш, ёш ишчиларга устозлик қилиш, илғорлар тажрибасини тарғиб қилиш йўли билан амалга оширилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. “Ишлаб чиқариш асослари” касб танлаш курси методикаси. Ўқитувчилар учун ўқув қўлланма С.У.Калюга, М.Л.Кондюрина, И.А.Поляков таҳрири остида. Тошкент. Ўқитувчи. 1989.112б.

2. Янчевская Е.Л. “Аёллар уст кийимини конструкциялаш”. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1997 й.

3. Панкратова В.А. Тикувчилик ишлаб чиқариш таълими асослари – Русча нашрдан таржима. Тошкент. Ўқитувчи, 1997.-248б.

4. Mamajonova, K., & Murtazayev, M. (2020). Ўқув ишлаб чиқариш марказида талабаларни амалий ўқитиш мобайнида унумли меҳнат уқувларини шакллантириш асослари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

5. Mamajonova, K., Karimov, O., & Ergasheva, S. (2020). Some ways of improvement of vocational guidance in pedagogical processes. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
Mamajonova, K. (2020). Таълим технологиясини лойиҳалаштириш тамойиллари ва унинг назарий методологик асослари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

6. Mamajonova, K., & Mullaxmetov, R. (2020). Ta'lim muassasalarida ta'lim oluvchilarning ijodiy qobiliyatlarini qo'llab-quvvatlash va ularni rivojlantirish. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

7. Mamajonova, K., Ahmedova, G., & Abdullayev, B. (2020). Меҳнат таълими жараёнини мазмунан модернизациялаш. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

8. Mamajonova, K., Axmedova, G., & Suvonqulova, Q. (2020). Muvofiq o'quv dasturlari zamon talabidagi darslarni yaratish garovidir. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

9. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.

10. Axmedova, G. (2020). Ўқувчиларни касб ҳунарга йўналтиришдаги таълим тарбия тизимида педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурияти. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

11. Axmedova, G. (2020). Олий таълим тизимида таълим жараёнини иқтисодий жиҳатдан ташкил қилишнинг айрим муаммолари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

12. Axmedova, G. (2020). Юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини бошқаришнинг ижтимоий иқтисодий аспекти. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

13. Orishev, Jamshid (2021) "Project for training professional skills for future teachers of technological education," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.

14. Orishev, J., & Оришева, З. (2021). “Metrologik o'lchovlar” mavzusini o'qitishda nostandart testlardan foydalanish . *Физико-технологического образование*, 2(2).